

2004 йил 6 октябрь



Чоршанба


Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

- 2 ▶ Кимни ёқламоқдасиз, раис?
- 3 ▶ Кишнинг қалб кўзи кўр бўлмасин!
- 4 ▶ "Таккамисиз, яккамисиз, Саид тоға?.."
- ▶ Сайловчи бурчи
- ▶ Боғбололик бунёдкорлар
- ▶ "Олма отишган"да нима гап?



Мамлакатимизда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказилган анъанавий "Футболимиз келажоги" турнирининг ушбу йилги мусобақалари якунига етмоқда. Истиқлол кунигача 9-10 ва 11-12 ёшлилар ўртасидаги мусобақалар якунланган эди. 8 октябрь кунини пойтахтимизнинг МХСК ўйингоҳида 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги турнирнинг финал босқичи бўлиб ўтди.

ФУТБОЛ «ПАХТАКОР» — КУЧИЛАР САФИДА

ТОШКЕНТ /ЎзА мухбири Зоҳир ТОП-ХУЖАЕВ/. Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёнинг энг кучли 350 футбол жамоасининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Мазкур рўйхатнинг биринчи погонасини Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси эгаллаб турибди. Кейинги ўринларни Испаниянинг иккита етакчи футбол клуби — «Реал» ҳамда «Валенсия» футболчилари банд этган.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси рейтингиди Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси тобора юқорилаб бормоқда. Бу йилги мамлакат чемпионатида олтин медалга асосий даъвогар, кубок мусобақаси голиби ва Осиё чемпиолилар лигасида ярим финалга чиққан пахтакорчилар Утган рейтингда 160-ўринда қайд этилган эди. IFFHS мутахассисларининг ҳисоб-китобига кўра, «Пахтакор» янги рўйхатнинг 123-погонасидан жой олди.

ЎзА.

Қақшадарё вилояти РЕГЗОРЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Регзор Косон туманидаги энг қадимий ва энг фаол маҳаллалардан бири ҳисобланади. Қарийб беш минг нафарга яқин маҳалла ахли халқимизнинг ўлмас қадриятлари, урф-одатларини эъзозлаб, аҳиллик билан ҳаёт кечирмоқда.

Регзорликлар анъанавий "Энг обод маҳалла" кўрик-танловиди хамиша голиблар қаторида бўлишади. Туманда ўтказиладиган турли тадбирлар, ҳашарларда ҳам улар доимо фаол қатнашадилар. Утган йили пахта йигим-терими мавсумида маҳалланин уйда ишчи ўтирган хотин-қизлари далага чиқиб, 500 тоннага яқин "оқ олтин" териб, деҳқонларнинг ҳақиқий мададкори бўлгандилар. Регзорликлар ани чоғда катта сафарбарлик билан пахта йигим-теримига — хашарга чиқишни бошлаб юбордилар. Дароқе, маҳаллада нишонланган байрам тантаналари ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз.

Маҳаллада ўтказилган Мустақилликнинг 13 йиллиги байрами тантанасида ҳудудда жойлашган "92-автокорхона" ОХЖ, турли ишлаб чиқариш ва савдо фирмалари, Ғайрат Арслонов, Эркин Хамроев сингари тадбиркорлар ҳиммати билан шу кун қў болали, кам таъминланган оилалар фарзандларидан олти нафарининг суннат тўйлари ўтказилди. Тўйболлар номига "Халқ банки" Косон туман бўлимида омонат дафтаралари очилиб, маблағ қўйилди. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси М.Аминов маҳалла ҳисобидан кўп болали, иқтисодий ноҳор оилалар фарзандларидан ўн беш нафарига 100 минг сўмлик микродорлар дарслик китоблари тарқатди.

Маҳаллий бадий ҳаваскорлар катта дастурда концерт томошалари намойиш қилиб, даврга узғача фойзгароват бағишладилар. Регзорликлар ани чоғда энг шимариб пахтакорларга ёрдамга чиқмоқдалар.

Манзура АҲМЕДОВА,
Регзор маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси.

Тошкент вилояти

УСТОЗЛАР ЭЪЗОЗИ

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан "Меҳр ва муруват йили" дастури ижросини таъминлаш, хусусан эхтиёжманд инсонларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллаларда хайрия тадбирларини ўтказиш анъанага айланган.

Яқинда Чиноз ва Янгийўл туманларида ана шундай тадбирлар ўтказилди. Унда кўп йиллар маориф соҳасида самарали меҳнат қилган, кам таъминланган ҳамда ани пайта нафақада бўлган кекса педагоглар ҳолидан хабар олдинди. Шунингдек, вилоятимиз "оқ олтин" хирмонига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидойи мураббийлар пахта далаларида байрам билан қутланди ва уларга совға-саломлар топширилди.

МУХБИРИМИЗ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 5 октябрь кунин Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Линкольн Блумфилдни қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, трансмилли таҳдидларга қарши кураш, Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида ҳамкорлик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликнинг қарор топишига ҳам боғлиқ экани қайд этилди. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистоннинг сиёсий ва иқтисодий

тикланиши йўлида ҳамкорликда талай ишларни амалга ошираётир.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳвали ва истиқболлари, минтақавий хавфсизликка, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

Шу кунин Л.Блумфилд Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоев ва мудофаа вазири Қ.Фуломов билан ҳам музокаралар ўтказди. (ЎзА)

Сайлов ва қонунчилик
ФУҚАРОЛАР НОМЗОДИ ҚАНДАЙ КўРСАДИ?
Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қонунидан кўчирма

(Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунидан қайд этилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)

"23-модда. Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг қамада уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тuzиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳини рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ХОСИЛ МҮЛ БҮЛДИ

"Оқ олтин" пахтакорларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштириладиган қимматли неъмат. Буни яхши англаган маҳалладошларимиз ҳам қалб амри билан тегишимизга чиқиб, далада қийос очилган ҳосилни йиғиб-териб олишда миришкор деҳқонларга кўмакдош бўлмоқдалар. Бу сафарбарликдан Янгийўл шаҳридаги маҳаллалар ахли ҳам четда қолмадилар.

СУРАТДА: шаҳардаги Ниёзов номи маҳалла фуқароси Бозорғой ЭҒАМОВА М. Улуғбек номи ширкат хўжалиги пахта даласида.

Суратни Р.ГАЛИЕВ олган.

ҚАРШИ - ҚАДИМ ДУРДОНАЛАРИМИЗДАН БИРИ

Истиқлол миллатимиз учун ўзини, ўзлигини англаш, дунёга танитиш, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихини, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятларини тиклаш илқонини берди. Шарқнинг қадим дурдоналаридан саналган Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйлари муносиб нишонланди.

Ўтмишда яшаб, ўзидан буюк маънавий мерос қолдирган кўплаб аждодларимизнинг муборак номлари қайта тикланиб, жаҳон илм фани хазинасига, дину диёнат равнақиға қўшган оламшумул ҳиссалари қадр топди. Аждодларга муносиб ворислик эхтиромни сифатида уларнинг номлари абадийлаштирилди, мангу қўним тогган манзиллари ободонлаштирилди ҳамда зиёратгоҳларга айлантирилди.

Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табарруқ ва муқаддасдир. Президентимиз Ислон Каримов Қақшадарё вилоятиға сафарларидан бирида ушбу юртда бундай инсонлар жуда кўп ўтганини, хусусан, биргина Қарши — қадимий Насаф шаҳридан «Насафий» тахаллуси билан шуҳрат қозонган ўнлаб фозиллар етишиб чикганини алоҳида таъкидлаган эди.

2-саҳифага

Мехр ва муруватнинг қалбгаги ифодаси

МЕХРДАН ҚАРЗДОРМИЗ...

Шерали бува билан Мастура аянинг бу дунёдан орттиргани бир ўғилу бир қиз бўлди. Улар ёлғиз ўғлини аввало илм олишга ўратдилар, тўғрироғи илм олиши учун барча шароитларни яратиб беришди. Шу ўғил ушиб-ўсса, тузукроқ одам бўлса, қаризанларида қулларига яраса, деб яхши ниют қилган эдилар.

Ўғил аввало мактабни, сўнг институтни муваффақиятли тугатиб, давлат ишларига шўнғиб кетди. Бу орада ўғил шаҳардан ўйлиниб, шаҳарда қолди. Ота-она эса шу қишлоққа унаштирилган қизи, кейинроқ эса унинг фарзандлари — неваралари билан овунадиган бўлдилар. Орадан йиллар ўтиб, ота-она қариди. Авваллари ҳафтада, сўнг ойда бир келадиган ўғил кейинчалик йиллаб ҳам келмайдиган одад чиқарди. Қариган одамға бир парча меҳр, бир оғиз ширин сўздан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Бир коса овқатга қорни тўяди, бир пилёла чай билан эса чанқок босилади. Болалиғида ота-онага сўяниб яшайди, ёлғизлигида билимғи ишониб яшайди, қариганда эса фақат Аллоҳға илтижо қилиб яшайди.

Шерали бува билан Мастура эна ҳам юраклариди катта тош билан яшаб юрдилар. Бу тош ёлғиз ўғлининг соғинчидан пайдо бўлган. Кўчқуввати борлиғида чолу кампир етаклашиб шаҳарға, ўғлини кўргани келар, шаҳарлик келиннинг қош-қовоғиға эйтибор бермай, бир кун бўлса ҳам ўғлининг, ёлғиз ўғлининг дийдорига тўйиб қайтишарди. Кейинчалик эса ҳовли айланни кўчаға чиқа олмай қолишди. Чолу кампирнинг ҳолидан беҳабар ёлғиз ўғил эса гуллағанидан гуллаб кетаверди. Аввал бўлим бошлиғи, кейинчалик бошқарма бошлиғи даражасиға кўтарилди. Бу муваффақиятларига балки у тиришқоқлиғи тўғрисида эришгандир. Лекин аввало отанасининг дуолари билан бўлди бу ишлар, деб ҳисоблайман. Шундай ҳолға тушишларига қарамай Шерали бува билан Мастура эна кечаю кунду дуо қилишни қўйишмасди. "Эй Худо, шу ёлғизимиз ўзидан кўпайиб, боши тошдан бўлсин..."

Дуолар ижобатға ўтди, ёлғиз ўғлининг боши

тошдан бўлди, афсуски фақат боши эмас, юраги ҳам тошға айланниб, тошмеҳр бўлди.

Кейинги кунларда Мастура эна ётиб қолди. "Оқ"ида ҳам, "воҳ"ида ҳам ёлғиз ўғлининг исми. Онасининг ўлимидан уч кун ўтиб келган ўғилға ота қайрилиб ҳам қармади. Ўзи келиб, ўзи кетди, биров қимсан ҳам демади. Ота юрағида алам тўйди. Қапири ўлимидан сўнг чол қараса, чўкиб борапти, ўзини қўлга олди. Қизининг катта ўғли унинг қўлида эди. Шунинг орзу-ҳавасини кўрай, уйлантириб неваре келиннинг қўлидан чой ичай, деган илқ ниют билан овунди. Шундай кунларнинг бирида қишлоғидан шаҳардаги бир идораға катнаб ишлайдиган бир йиғитдан ўғлининг катта бир рестоорнда 60 йиллик тўйини ўтказаятганлиғини эшитиб қолди. Шу йиғитға "ўғлим мени ҳам айтган эди, мени сен олиб борсан", деб бир ойлик пенсия пулини тутқазди. Йиғит машина топиб, отани ёлғиз ўғлининг 60 йиллик юбилейига олиб борди.

"Чақирилмаган меҳмон"нинг ташрифидан довдираб қолган ўғил истар-истамай отаси билан сўрашиб, бир бурчакка ўтиргизиб қўйди. Давра қизиган пайта даврабоши ўзи билибми, ё биров айтди, тўсатдан "Сўз юбилари-миз отасиға", деб эълон қилиб юборди. Бува-нинг ярағида тош бир қимирлади, алам бўзига келди. Ўрндан зўрға турди, унинг қўлиға микрофони тўтишди...

Зўрға юрадиган буваға Худодан куч келди-ми, шаҳдам қадамлар билан давраддан чиқиб кетди...

Гап меҳр ҳақида кетар экан, яна бир воқеа ёдимға тўшди. Бу энди олдинги айтганларимнинг тескарисиди.

...Эри ўлғач, рўзгор юриштида қийналиб

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Обуна бўлиш учун узок ўйланманг, — дейди.

(Давоми 2-саҳифада)

"МАҲАЛЛА" ФАОЛИЯТИМИЗ УЧУН ЗАРУР

"Mahalla" газетаси бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келаятган фуқаролар йиғинлари, шунингдек, турли нодавлат ташкилотлари, хусусан, "Маҳалла" жамғармаси тизимлари фаолияти учун энг зарур нашрга айланди. Унда эълон қилинаётган Ватанимиз ҳаётига оид, фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид таҳрирлар, янгиликлар, расмий ва метёрий ҳужжатлар ҳар бир фуқаролар йиғини, "Маҳалла" жамғармаси ходимлари учун фаолият мезони, десак хато бўлмайди. Шу боисдан Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиғи ҳам газетанин бугунги йўналишини қўллаб-қувватлайди ва 2005 йилда туманда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинининг қамиди 3 донадан, жамғарма бўлиммасининг эса 15 донда "Mahalla" газетасиға обуна бўлишиға эришиш учун тегишли тадбирлар белгилайди.

Муносабат: "Обуна-2005"

А.А.ХОЖИБОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлиғида

060 рақами билан рўйхатға олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий:
«Матбуот тарқатуви» ҳиссадорлик жамияти

Тажририйат манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Р.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассисалар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви,
«Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

НОГИРОНЛАР ҲАМ БЕКОР ЎТИРИШНИ ХОҲЛАМАЙДИЛАР

Шундай экан уларга меҳнат қилиш имкониятларини яратиш муҳим масала ҳисобланади.

Халқимиз азалдан ёрдамга муҳтож кишилардан ёрдамни аямаган. Шубҳасиз, ҳозир ҳам бу анъана давом этиб келмоқда.

Очиғи, кўча-кўйда, жамоат транспортларида ногоиرون одамларни кўрганимизда, уларга ички бир меҳр билан қараймиз. Яратгандан танижонига соғлиқ тилаймиз. Ҳар ким ҳаётда бекам-куст, тўрт мучаси соғ бўлиб яшашни истайди. Ногоиرون инсоннинг кўнглида эса ўкинч билан кемтиклик ашайди. Ана шу кемтикликнинг ўрнида ҳаётга муҳаббатни, яшашга интилишни кучайтириш янада муҳимдир.

Бугунги кунда республикамизда кўзи оғиз, қор-соқов, ногоиронларга ёрдамлашадиган кўплаб нодавлат ташкилотлар, жамиятлар анчагина. Улар орасида Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятининг ҳам ўз маъноси бор. Яқинда шу ерда бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишдик.

— 2004 йилнинг Меҳр ва муруват йили деб эълон қилиниши жамиятимиз фаолиятига ҳам этиборнинг кучайишига омили бўлмоқда, — дейди жамият раиси Ёқуб Жавлонов. — Улар-

нинг ҳаёти зерикарли ўтмаслиги учун тез-тез турли хил тадбирлар, жумладан, таниқли кишилар билан учрашувлар, ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари, тиббиёт мутахассислари билан мулоқотлар ўтказиб тураемиз. Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти таркибига вилоят ва туманлардаги 68 та қўйил бўливлари кирди. Жамиятга қараб 45 та ишлаб чиқариш корхонаси, 46 та Маданият уйи, 32 та кичик клуб, 66 та кўзи оғизлар махсус кутубхонаси, битта ёруғлик нури маркази, Тошкент шаҳрида битта Маданият саройи, 22 ўринли "Мархабо" меҳмонхонаси, 3 та дам олиш маскани ҳамда "Янгийўл" саломатлик сўхатгоҳи кўзи оғизларга хизмат қилаётди. Жорий йилнинг бошида "Меҳр ва муруват йили" дастури лойиҳасига Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти томонидан бир неча таклифлар ҳам киритилган эди.

Мазкур дастурга киритилган ҳамда жамият фаолиятига тегишли бўлган бандларда, хусусан, кўзи оғиз, ногоиронларнинг иш жойларини сақлаб қолиш, янги қўшимча иш ўринлари ташкил этиш мақсадига кам фоизли, мақсадли кредитлар ажратиб; республикада мавжуд кўзи оғиз болалар таълим оладиган 10 та мактаб-интернатни замон талабларига мос анжомлар, дарсликлар, махсус ёзув қоғозлари, ўқув қуроллари, ком-

пютер ва автобуслар билан таъминлаш ҳамда мактаб биноларини капитал таъмирлаш чораларини кўриш;


кўзи оғиз ногоиронлар ўртасида доимий равишда мусобақалар, чемпионатлар ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш каби тадбирлар борки, буларнинг амалда бажарилиши ногоиронлар ҳаётининг мазмунли ўтишини таъминламоқда. Дастурдан кўзи оғиз спортчиларнинг халқаро мусобақаларда иштирок этишларига кўмак беришни назарда тутувчи истакхоишлари ҳам ўрин олган. Бугунги кунда мазкур жамиятга аъзо уч мингга яқин ёшлар Республикамызнинг 10 та махсус мактаб-интернатлари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таълим олиб келмоқда. Шу билан бирга кўзи оғизлар жамиятининг турли ташкилот ва муассасаларида ақлий меҳнат қилиб, кўндалик ўқиш ҳамда ишларида "Брайл" ёзувида ишлатиладиган махсус қоғозлардан фойдаланади. Бундай махсус қоғозларнинг деярли барчаси илгари Болтиқ буйи давлатларидан харид қилинади. Ҳозирда унга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

— Жорий йилнинг февраль ойида Осий кўзи оғизлар иттифоқидаги итмос билан мувожаат қилган эдик, — дейди Ташкилий ва умумий назорат бўлими бошлиғи Аҳбор Абдуллаев. — Яқинда Умумосий кўзи оғизлар жамиятининг Ҳиндистон ижроия қўмитаси томонидан жамиятимизга бегараз ёрдам тариқасида уч минг килограмм махсус қоғоз ажратилибди. Маълумки, жамиятимиз Умумосий кўзи оғизлар жамиятининг аъзоси ҳамдир. Ҳозирда биз ана шу бегараз ёрдамни Деҳлидан Тошкентга имкони борица хайрия йўли билан олиб келишга ҳаракат қилмоқдамиз. Жамият рўйхатидан ўтган 35 мингга яқин кўзи оғизлардан беш минг нафаригина иш билан таъминланганлиги олдимизда долзарб бир масала кўнданг турганлигини кўрсатади. Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти тизимидаги ишлаб чиқариш корхоналарида пахталик қўрпа-тўшалар, ёстиқ ва уларнинг жилдлари тўпмалар, пахта териш этаклари, 60 см. энлидаги поёндозлар, хўжалик арқонлари, техник ва маиший чўткалар, ҳар хил ҳажмдаги картон қутилар, спиртли ичимлик, минерал сувлар ва консерва идишлари учун металл қоқоқлар, турли хил турдаги пластмасса махсулотлари ишлаб чиқарилади.

— Ана, кўрдингизми, ногоиرون бўлишига қарамай уларнинг жамиятга қанчалик фойдаси тегиши мумкин, — дейди Ёқуб Жавлонов. — Агарда ногоиронларнинг ҳаммасини иш билан таъминлай оلسак, биринчидан, уларнинг ўз оиласига моддий томондан ёрдами тегадди, иккинчидан, ногоиронлар ўзларининг жамиятда ёлғиз эмаслигини сезадилар.

Жасур КЕНГБОЕВ

СПОРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Фаргона вилояти

Муносиб тақдирланган оқсоқоллар

МАҲАЛЛА ХИЗМАТИДА 30 ЙИЛ

Ҳалоат хизмат қилган — элда азиз, деб бежиз айтилмаган экан. Бунга Бағдод туманидаги Муруват маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли Шермухаммад Рўзमतов амалда кўрди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан "Шухрат" медали берилди.

Маҳалла аҳли Шермухаммад Рўзमतовни 1974 йилда ўзлариға оқсоқол этиб сайлашган эди. У ўша пайтда 25 ёшда бўлиб, мебел фабрикасида ишларди. Маҳалла юмушларини асосан ишдан кейин ва дам олиш кунлари жамоатчилик асосида бажарарди.

1997 йилдан унинг бутун иш фаолияти маҳаллага қаратилди. Худудда яшовчи фуқаролар ташвиши, уларнинг келажақ орзу ва умидларини тезроқ рўёбга чиқариш мақсади билан ишлаб бошладди. Фуқаролар осойишталигини таъминлашга ҳаракат қилди. Шу мақсадда маҳаллада паспорт режими қаттиқ йўлга қўйилди. Нотинч оилалар, илгари судланган ва ишламай юрган кишилар билан доимий шуғулланилди. Нотинч оилаларни муроасага келтириш, ишсизларни ишга жойлаштириш чора-тадбирлари кўрилди. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ихчамлаштирилди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари олдидан фуқаролар кучи билан ободонлаштириш ва кўкнамзорлаштириш ишларини амалга ошириш одат тусига кириб қолди. Ҳар байрам олдидан кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар, ногоиронлар ҳолидан хабар олинмоқда. Хусусан, жорий йил Наврўз ва Мустақиллик байрамлари олдидан худуддаги хўжалик, корхона, ташкилот, муассасалар ва тадбиркорлар томонидан 153 та оилага икки миллион сўм микро-рида хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Бугунги кунда маҳаллада 850 та хонадон бўлиб, улар табиий газ, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Тоza ичимлик суви таъминоти тобора яхшилиниб бормоқда. Маҳалла марказида аҳолиға савдо, маданий-маиший ва тиббий хизмат қўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

— Маҳалламиз номи Отхона деб ном олганидан хижолат чекардик, — деди оқсоқол Ш.Рўзमतов. — Йил бошида фаоллар билан келишиб, бу номни ўзгартиришга қарор қилдик. Шу мақсадда даврга мос, яхши ном топиш учун танлов ўтказилди. Унда 5 та ном тавсия қилинди. Улар ичидан кўпчиликка ёққани — Муруват бўлди. Бунга Халқ депутатлари туман кенгаши ҳам маъқуллаб, қарор қабул қилди. Шермухаммад Рўзमतов тадбиркор ва изланувчан оқсоқол сифатида ҳар йили вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол қатнашади. У 1999 йилда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жағфармаси томонидан ўтказилган Республика кўрик-танловида ғолиб чиқиб, "Ибратли маҳалла оқсоқоли" бўлган. "Ташаббус — 2004" кўрик-танловининг вилоят бошқисидан "Тадбиркорликка энг яхши муҳит яратган маҳалла" йўналиши бўйича ғолиб чиқиб, иккинчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. Булардан ташқари, кўплаб Фахрий ёрлиқлар ҳам оқсоқолнинг кўп йиллик меҳнатлари самараси.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

қаролар йиғини раиси Ҳамид ака Каримов момонинг турмуш ўртоғи ҳам тўқсон ёшдан ошиб оламдан ўтгани ҳақида сўзлаб берди.

Ўртадан меҳр-оқибат кўтарилаёпти, ёшлар кексаларни ҳурмат қилмай

қилаёпти. Невараларига насиҳат бераёпти. Бутун қишлоқ аҳолиси ундан меҳр муруватини ўрганаёпти.

— Туманимизда юздан ошган кишилар талайгина. Уларнинг ҳар бирига ҳомийларни бириктириб қўйиб-миз. Ҳар бир байрамда 10 минг сўмдан пул бераёмиз. Улкан момо Султоновнинг 115 йиллигини туман миқёсида тўй қилиб

бердик. Ҳамиша ҳолидан хабар олиб тураемиз, — дейди Бахмал тумани ижтимоий таъминот бўлими раҳбари Абдурашид Курбонзаров.

Ойқордай юксак тоғларнинг бағрида, руҳи тетик, юз йиллар меҳнат қилиб чарчамаган, кўзимизга мўъжизадай кўринган, исми жисмига монанд Улкан момога ҳавас билан қарадик.

Пардабой ТОҶИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

"МАҲАЛЛА КУНИ"

Ҳузур шаҳридаги истироҳат боғида бўлиб ўтган "Маҳалла кунин" ҳақиқий байрам тусини олди.

Тадбирда намоийш этилган театрлашган томошалар, куй-қўшиқ ва рақслар маҳалладорларда катта таассурот қолдирди. Тумандаги И.Эгамбердиева, С.Рахимов, М.Турсунзода, А.Темури, Э.Қурбоннов номли, Наврўз, Чаноқ маҳаллалари аёллари ва ёшлари фаоллик кўрсатдилар.

Маҳалла кунинда намоийш этилган чиқишлар, миллий кўринишларда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар билан иш олиб бораётган маслаҳатчи аёлларнинг ташкилотчиликлари яққол сезилиб турди. Айтиш жоизки, маҳаллада соғлом муҳитни яратишда ҳамма хотин-қизларнинг ўз ўрни, нуфузи бор. Тадбирда ана шу жиҳат яна бир бор кўзга ташланди.

Замира МАМАТКУЛОВА

13 ТҮЙ БОЛАГА ҲАМ УЧ МУРУВВАТ

Яқинда Ҳузур туманидаги Янгиқент маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Иброҳим Қайсаров ҳамда Янгиқент фермерлар уюмасига хизмат кўрсатувчи машина-трактор парки раҳбари Искандар Бўриевлар ташаббуси ва ҳомийлигида маҳаллада яшовчи 13 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатла тўйларини ўтказилди.

Тадбирда йиғилганлар ушбу саховатпеша инсонлар мурувати билан эзилган тўй дастурхони устида болажонларга ширин тилаклар билдирдилар.

Шунингдек, ҳар бир тўй болага ҳомийларнинг 5 минг сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

Саъдулла УЛЖАЕВ, туман Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жағфармаси туман бўлини маси раиси.

АВЛОДДА ҲАЁТ ОБОД

Бойсун тумани марказидан шимолий шарқ томонга олти километр йўл боссангиз, Авлод деб аталмиш сўлим бир қишлоққа кириб борасиз. Қишлоқ тепасида Бобохўй тоғ тизмалари ястанган. Қишлоқнинг шундоққина биқинида кўз очган булоқ зилол ғармоқлар ҳосил қилиб, бойсун шаҳри аҳлига об-ҳаёт бериб туради. Унинг мусалфа, муздек суви шифобахш хусусиятларга эга.

— Авлод, Сарийосий, Кўчкак, Богиболо маҳаллалари мустақиллик йилларида қайта чиroy очди, кўркاملанди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдусаттор Каримов. — Қолаверса, қишлоғимиз тоғолди зонаси бўлганлиги учун табиати хушманзара. Чағатлар бағрида бог яратилган, қаричлаб ер очиб, экин майдонлари ташкил этилган.

Қишлоқ йиғини худудидида тўрт мактаб фаолият юритади. Унинг иккитаси Авлод ва Кўчкак маҳаллалари фуқароларининг тинимсиз савий-ҳаракати ва ҳомийлигида бунёд этилган. Дарҳақиқат, мактабни қуришда юзлаб одамлар лой қўтарди, гишт терди, қумсувоқ қилди. Унинг атрофини ободонлаштиришга қишлоқ қарилари ҳам муносиб ҳисса қўшди. Қолаверса, қишлоқнинг ички кўчалари хашар йўли билан раванлаштирилган, шағал ётқизилган. Қабристонлар ҳам обод қилиниб, атрофи симтўр билан ўралган.

— Одамларимиз аҳил, иноқ. Уч юз эллик хўжаликка бирлашган икки ярим мингдан ортиқ фуқаро бир оила фарзандларидек тинч-тотув ҳаёт кечираёпти, — дейди Авлод маҳалласи оқсоқоли Мамаризов Насимов. —

Хайрли бир иш бошласак, барча баробар ҳисса қўшади. Ўтган йили тумандаги муқаддас масканлардан ўндан ортиғи қайта тикланди, обод қилинди. Авлод қишлоғини кесиб ўтган Ҳангаронсой суви баҳорда тошиб қишлоқ аҳлига бир қатор қийинчиликлар туғдирар эди. Бу пайтда худудда транспорт қатнови ўқда турсин, пиёдалар юриши ҳам амри маҳол бўларди. Шу боис сой устида кўприк қуриш орзусида авлодликлар бирлашдилар. Катта хашар уюштирилди. Жимматли тадбиркор ва фермерлар қурилиш ишлариға моддий томондан кўмаклашдилар. Натижада қиска муддатда кўприк қуриб битказилди. Тошқин сел хавфи ортада қолди. Йил давомидида узлуксиз транспорт қатнови йўлга қўйилди.

Кўчкак маҳалласида икки йил ичида маҳалладаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга 351 минг сўм сарфланди. Пулни қишлоқнинг саховатпеша кишилари беришди. Қолаверса, Чинор-Шўрсув гузари ва Кўчкак қишлоғидаги қабристон йўлиға асфальт ётқизилди. Пистамозор зияратгоҳини тиклаш, шарқона

Юртимизнинг қай бурчига борманг, юртдошларимиз улуг кишиларни жуда ҳурматлашади. Ошдан кейин қилинадиган фотиҳа, улуг ишлар бошлангани олдидан бўладиган дуоларга улар биринчи бўлиб қўл очадилар. Бахмал туманида яшаётган табаррук, 115 баҳорни қаршилаган Улкан момо Султонова билан суҳбатлашимиз мақсадида Ойқортоғ этазида жойлашган Новқа қишлоғига йўл олдик.

Новқа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳамид Каримов бизга ҳамроҳлик қилди. Момонинг икки ўғли, икки қизи ва 44 нафар эвара-чеваралари доимо унга парвона. Момо, айниқса, келини бўлмиш Ултувой опани ўзининг узок йиллар умр кўриши сабабчиси, дея мақтади. У Улкан момонинг ҳамма истакларини қондиради, ёқтирган таомларини тайёрлаб беради, айтган жойларига олиб боради. Онанинг култуғ 115 ёши мана шу садақатни ифодалаб турганга ўхшайди.

Улкан момо Новқа ота булоғига бориш-

ОЙҚОРНИНГ НУРОНИЙ ОНАСИ

ни, унинг булоқларидан ҳовучлаб сув ичишни яхши кўради. Фарзандлари ва невараларини йўқлашни одат қилиб олган.

Улкан момо 115 ёшга кирибдию, қилаётган ишлари, гапирётган гапларидан хайратга тушмай илоҳингиз йўқ, Лекин кейин билдимки, тоғ бағридаги қишлоқнинг мусофиро ҳавоси, оиладаги турмуш тарзи, болаларнинг, келинларнинг муҳаббати умр йўлларини узайтиришга таъсир қилган экан. Қишлоқ фу-

қўйди, тарбия сусайяпти, деган гаплар қулгоимизга гох-гоҳида чалиниб қолади. Йўқ, аслида ундай эмас, халқимиз инсоний тўйгулардан воз кечгани йўқ. Айниқса, тоғли худудларда аксинча, кексалар ниҳоятда ҳурматда, эъзозда, улар биринчи бўлиб тўйларга айталидирлар, хайрли ишлар учун уларнинг фотиҳаларини оладилар. Қаранг, момо шунча ёшга киришиға қарамай тиниб-тинчимайди, баҳоли-қудрат меҳнат

Олам
Турфа

БИР
ФОТОАППАРАТГА
15 ХИЗМАТЧИ

Энгиланине
оғирли, узунини
қисқаси, паст-
нини балиғи
Бўлаганиге, кич-
кичине ҳам кам-
маси, албатта,
маъжуг.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, 1900 йилда америкликлар томонидан ясалган "Мамонт" фотоаппаратининг улканлиги табиийдек туюлади. Аммо кўрган ва у ҳақда эшитган киши хайратланмай иложи йўқ. Чунки унинг оғирлиги 625 кило бўлиб, унга кам билан 15 киши хизмат кўрсатиши лозим. Негаки, уни бир киши бошқаролмайди.

Фақат негатиивнинг ойнали пластинкаси 225 кило тош босарди. Битта суратни ишлаш учун эса ролпа-роса 40 кило кимёвий дори сарфланган.

Амиқодағи ўйинчок ишлаб чиқарадиган компаниялардан бири болалар учун "фиркайдиган" ва "гапирадиган" кўғирчоқ яратди. Ихтирочилар Жуля деб номлаган бу кўғирчоқ инсон нутқиға тўлиқ амал қилиб, митти жараёнлар ёрдамида берилган дастур бўйича чекланган мавзуда гаплаша олади. Жулянинг сўз бойлиги юзга яқин сўздан иборат бўлиб, керакли жавобларни қайтара олади холос. Тангадек митти тизимни алмаштириб Жулянинг сезги органларини ҳам ўзгартириш мумкин. Масалан, ҳароратнинг ўзгарганини сезган кўғирчоқ об-ҳаво тўғрисида ўзининг фикрини айта олади. Уни қўлидан етаклангангиз, қаёққа бошлаётганингиз билан кизиқади.

ЁМОН ОДАТНИНГ ФОЙДАСИ

Кейинги Вақтда сақин чайнанинине жуға кене марқалеандиси шифокорларни бе-эвта мақлоққа, улар бу одамнине зарари ҳақида кўплаб тушунириши ишлари олиб боришлариға мўғри келмоққа. Лекин уларнине масалазатлеа ҳамма ҳам қулоқ осмаётми:

Польшанинг Вроцлав Тиббиёт академияси сиқининг янги турини ўйлаб топди. Бир неча шифобахш ўсимликлардан тайёрланган бу сақин анганина ва оғиздаги турли касалликларни даволашда ёрдам беради.

М. ИСЛОМОВА
тайёрлади.

ЭЪЛОН

Утерянный диплом ЗТ-900227 (регис. номер 4810) о среднем-спец. образовани выданный электро-мед. техникумом 1985 году на имя Каримовой Альфии Мукармовне считать недействительным.

Утеренный аттестат выданный ср.школой-6 г. Маргелана 1987 году на имя Цой Дмитрий Васильевича считать недействительным.

